

ТИФЛОПЕДАГОГИКАДА ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШДА МОБИЛЬ ИЛОВАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Хулкар Восиловна МИРЗАХМЕДОВА

Тошкент давлат шарқшунослик университети
Эрон-афғон филологияси кафедраси мудири, DSc, доцент
Тошкент, Ўзбекистон
+998997951061
khulkar1061@mail.ru

Гулчехра Шавкатовна РИХСИЕВА

Тошкент давлат шарқшунослик университети ректори
ф.ф.н., доцент
Тошкент, Ўзбекистон

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 октябрдаги “Ўзбек имо-ишора тили ва брайль алифбосини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 407-сонли Қарори ижросини таъминлаш, инклюзив таълимни йўлга қўйиш ва уларга керакли шарт-шароитлар яратиш ишларини самарали ташиқил қилиш бўйича Тошкент давлат шарқшунослик университетида ишлаб чиқилган “Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган кўзи ожиз ва кўришда нуқсонли бўлган талабалар учун тарих фанидан мобиль ўқув иловаси” ҳақида сўз юритилади.

***Калит сўзлар:** кўзи ожизлар, заиф кўрувчилар, инклюзив таълим, мобиль илова, тарих, Ўзбекистон тарихи, кўриш қобилияти, ногирон.*

АННОТАЦИЯ

В статье постановление Президента Республики Узбекистан от 20 октября 2022 года ПП 470 «О дополнительных мерах по развитию узбекского языка жестов и азбуки Брайля» говорится о «создание мобильного образовательного приложения по истории для незрячих и слабовидящих студентов, обучающихся в высших учебных заведениях», разработанном в Ташкентском государственном университете востоковедения для обеспечения реализации постановления, организации инклюзивного образования и создания для них необходимых условий.

***Ключевые слова:** слепые, слабовидящие, инклюзивное образование, мобильное приложение, история, история Узбекистана, зрительная способность, инвалид.*

ABSTRACT

The article, Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated October 20, 2022, PP 470 “On additional measures for the development of the Uzbek sign language and Braille”, refers to the “creation of a mobile educational application on history for blind and visually impaired students studying in higher educational institutions”, developed in Tashkent State University of Oriental Studies to ensure the implementation of the resolution, the organization of inclusive education and the creation of the necessary conditions for them.

Key words: *blind, visually impaired, inclusive education, mobile application, history, history of Uzbekistan, visual ability, disabled person.*

КИРИШ

Бугунги таълим тизими ёшларни, айниқса, талабаларни эртанги кун учун муносиб ворислар сифатида тайёрлашни бош мақсад қилиб олган. Бу йўлда соғлом талабалар билан бир қаторда кўриш имконияти чекланган бўлишига қарамасдан, олий таълимда таҳсил олиш истагида бўлган кўзи ожиз ва заиф кўрувчиларга ҳам бир хилда таълим берилишини тақозо этади. Бу мақсад ҳукуматимизнинг кўплаб ҳужжатларида, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг нутқларида, маъруза ва чиқишларида, фармон ва қарорларида ўзининг муносиб аксини топган. Хусусан, “Ўзбек имо-ишора тили ва брайль алифбосини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғриси”даги ПҚ-407-сон ҳамда “Кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда таълим бериш сифатини ошириш ҳамда улар фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-209-сон қарорида белгилаб қўйилганки, “*турли ихтисослик ва йўналишлардаги босма ва аудиокитобларга бўлган эҳтиёж ҳар олти ойда ўрганилиб, шу асосда адабиётлар рўйхати шакллантириб борилади, олий таълим муассасаларининг тегишли ихтисослик ва йўналишлари бўйича фанлардан аудиоматериаллар ва Брайль алифбоси асосидаги адабиётларни чоп этиш тизими йўлга қўйилади*”¹.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “*Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида*”ги ЎРҚ-641-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг “*Давлат тили ҳақида*”ги ЎРҚ-167-И-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг “*Таълим тўғрисида*”ги Қонуни, “*Кадрлар тайёрлаш миллий дастури*”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 апрелдаги “*Кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда таълим бериш сифатини*

¹ <https://lex.uz/ru/docs/5966089> ва <https://lex.uz/docs/6248467>

ошириш ҳамда улар фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-209-сон Қарори, 2021 йил 21 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига қўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-57-сон Қарорида инклюзив таълимни йўлга қўйиш ва уларга керакли шарт-шароитлар яратиш ишларини самарали ташкил қилиш бўйича қатор кўрсатмалар берилган.

Айни дамда юртимиздаги Республика бўйича 66 мингдан зиёд кўзи ожиз шахслар мавжуд бўлиб, 14 та махсус интернатда 3 минг нафардан ортиқ кўзи ожиз ёшлар тарбияланади. Улар учун ягона нашриётда зарур дарслик ва бошқа адабиётлар нашр этиб келинмоқда, аммо «Кўзи ожизлар босмахонаси»нинг 1960-1980 йилларда ишлаб чиқарилган техникалари жуда эскирган бўлиб, ишлаб чиқариш қуввати бугунги кун талабига жавоб бермайди. Ускуналар билан йилига бор-йўғи 18 номдаги дарсликни чоп этиш мумкин. Ҳолбуки, таълим дастури бўйича, кўриш қобилияти чекланган ўқувчилар учун 48 номдаги дарсликлар зарур. Олий таълим муассасалари учун бундай махсус дарсликлар умуман нашр этилмайди, аммо дарсликларга эҳтиёжнинг мавжудлиги бор гап.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Лойиҳанинг асосий мақсади гуманитар таълим йўналишларида таълим олувчи кўриш имконияти чекланган талабаларнинг тарих фанларига доир ўқув адабиётларидан мустақил равишда фойдаланиши учун аудиомаълумотлар базасини шакллантириш, заиф кўрувчилар учун ушбу аудиоли материалнинг мобиль иловасини яратиш ва шу орқали уларнинг лисоний, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, шахсий-касбий қобилиятларини ривожлантиришдир.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун бажариладиган асосий вазифалар қуйидагилардан иборат бўлди:

- Ўзбекистоннинг энг янги тарихига оид назарий ва статистик маълумотларни ўз ичига олган, филология йўналишида таҳсил олувчи талабалар томонидан доимий фойдаланилиши учун зарур бўлган дарсликлар, ўқув қўлланмалари, лаборатория ишланмалари тўпламлари ва илмий адабиётлардан олинган маълумотлар банкини яратиш;

- тўпланган босма ва электрон матн кўринишидаги тарихга оид материалларни MP3 форматда ёзиш;

- аудиоси билан параллел тарзда матндаги ёзувларнинг муносиб қаторлари катталашуви ва ранги ўзгаруви ҳолатидаги мобиль матнни яратиш;

- олий таълим муассасалари ва ахборот-ресурс марказлари фондини Ўзбекистоннинг энг янги тарихига доир аудиокитоблар ва уларнинг мобиль иловалари билан таъминлаш орқали кўзи ожиз талабаларнинг соҳага оид ўқув-методик адабиётлар ҳамда илмий тадқиқотлардан эркин фойдаланиш имкониятини кенгайтириш.

Тадқиқот объекти сифатида олий таълим муассасаларида таҳсил олувчи 1-курс талабалари учун мўлжалланган “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи” мажбурий фани танлаб олинди. Тадқиқот натижалари гуманитар таълим соҳасида билим олувчи кўриш имконияти чекланган талабаларнинг тарих фанига оид билими ва қобилиятини ривожлантириш, дунёқарашини кенгайтириш, уларни мутахассислик фанлари бўйича илмий педагогик фаолиятга йўналтириш, талаба билан ўқитувчи ўртасидаги фикрлаш жараёнларининг уйғунлигига эришишни таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида, кўриш имконияти чекланган бўлса-да, нурли келажак сари интилаётган талаба ёшларнинг фан ва таълим соҳаси тараққиётига муносиб ҳисса қўша оладиган, маънавий жиҳатдан баркамол шахс сифатида шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан, лойиҳалар устида ишлашда ўқувчилар тарихий архивларни сақлайдиган электрон манбалардан фойдаланишлари муҳимдир. Бироқ, кўзи ожиз ёки заиф кўрувчилар учун тайёрланаётган маҳсулот бир мунча бошқачароқ ёндашувни талаб қилади, яъни мавжуд гипотезаларнинг асосий ўзагини етказиб бериш, мавзунинг мақсад-муддаоларини тўлақонли тарғиб этиш, қўйилган саволларга ечим топиш, нуқтаи назарни шакллантириш, талабанинг ўз позициясини исботлаш, хулоса чиқариш, материал тақдим этишнинг инновацион усулларини такомиллаштиришни тарғиб этади. Бундай фаолият жараёнида ўқувчилар у ёки бу тарихий вазиятни рационал ва ахлоқий позициялардан объектив равишда баҳолаш қобилиятини ривожлантирадилар, мулоқот кўникмаларини яхшилайдилар ва гуруҳ ишига ҳиссий жалб қилиш орқали бошқа одамларнинг фикрларини онгли равишда ҳисобга олиш ва қабул қилиш қобилиятини ривожлантирадилар. Шундай қилиб, тарихни ўқитиш ва ўқитишнинг замонавий ёндошуви ўқув жараёнига ўқув дастурларини ўзлаштиришнинг кўплаб интерфаол усулларини ўқувчиларнинг ижодий, мустақил фикрлашларини шакллантиришга ҳисса қўшишни ўз ичига олади. Бу омиллар нафақат юқори малакали мутахассислар, балки мамлакатнинг фаол фуқароларини тайёрлашнинг муҳим сабабидан бири ҳисобланиб, ёшларнинг ижтимоий субъект сифатида онгли равишда қарор қабул қилиш қобилиятини шакллантириш ва ривожлантиришга ёрдам беради. Бу ўринда кўриш

имконияти чекланганларга ҳам базавий ёндашув инклюзив таълим методларини шакллантиришга хисса бўлиб кўшилади.

Тифлопедагогикадаги кузатувларга кўра, ҳозирда аксарият кўриш имконияти чекланган абитуриентлар томонидан олий таълим муассасасига кириш имтиҳонларининг топширилиши ва талабалик даврида фан ўқитувчилари томонидан берилган вазифаларнинг бажарилиши талаб даражасида эмас. Бунинг асосий сабабларидан бири – кўриш қобилиятига эга бўлмаган таълим олувчиларда ўзбек тилидаги ўқув-методик адабиётлар ва илмий тадқиқотлардан фойдаланиш имкониятининг чегараланганлигидир. Улар фан соҳасига оид билимларни ўзлаштиришда фақат дарс жараёнида Брайль тизимига асосланган бўртма-нуқтали ёзувда конспектлаштириб олинган маъруза матнларига таяниб қолмоқдалар.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги кўзи ожиз ва заиф кўрувчи талабалар ҳам замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида хорижий тилларда тайёрланган босма ва электрон манбалардан мустақил равишда фойдаланиш имконига эгадир. Бу тоифадаги талабаларнинг аксарияти мутахассислик фанларига оид маълумотларни эшитиш кўникмаси орқали қабул қилишда хорижий давлатларда ишлаб чиқилган тифлотехник воситалар, хусусан, босма равишда чоп этилган матнни сканер қилиш, ўқиб бериш каби вазифаларни бажарувчи “SARA” номли махсус қурилма ёки компьютернинг операцион тизимига юкланадиган Jaws for Windows, NVDA ва бошқа овозли дастурлардан фойдаланмоқда.

Ҳозирги вақтда кўриш имконияти чекланган талабаларнинг аксарияти олий таълим муассасаларининг филология факультетларида таҳсил олмоқда. Мазкур ҳолат уларнинг соҳа бўйича мустақил изланиши учун тилшунослик фанларига оид аудиомаълумотлар базасини яратишни талаб этади. Кўриш имконияти чекланган талабаларнинг муайян қисми иқтидорли, фан соҳаси бўйича илмий фаолият юритишга лаёқатли экани билан ажралиб туради. Бироқ илмий ижод чуқур билим асосида амалга ошадиган жараён бўлгани учун улар ўзида мавжуд қобилиятни тўлиқ намоён эта олмайди. Бу борадаги муаммоларнинг юзага келишига қуйидаги омиллар сабаб бўлади:

- кўзи ожиз талабаларнинг мутахассислик фанлари бўйича ўзбек тилида чоп этилган адабиётларда акс этган замонавий ёндашувларни қиёслаб ўрганиш имконига эга эмаслиги;

- кўриш имконияти чекланган талабалар учун замонавий техник воситалар ёрдамида фан соҳалари бўйича мустақил изланиш имкониятининг етарли эмаслиги;

- кўзи ожиз талабалар учун аудиокитоб таъминотини яратиш масаласи олий таълим олдида турган устувор вазифалардан бири эканлиги.

Юқорида қайд этилган муаммоларни бартараф этиш учун фан соҳаси бўйича талабалар томонидан фойдаланилиши зарур бўлган маълумотлар жамланиб, MP3 форматда ёзилиши лозим. Шу тариқа, инклюзив таълим тизимини такомиллаштиришнинг қулай усуллари ишлаб чиқилади, унинг сифат самарадорлиги таъминланади, кўриш имконияти чекланган талабалар ижтимоий интеграция жараёнига янада кенг жалб этилади.

Ҳозирги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида айрим адабиётларнинг аудиокитоб шаклидаги нусхалари яратилган бўлиб, бу турдаги электрон таълим ресурслари Интернет саҳифаларига ҳам киритилган². Кўриш имконияти чекланган китобхонлар учун ўзбек тилида яратилган аксарият аудиокитоблар бадиий услубга хос бўлиб, уларнинг баъзилари Интернет саҳифасига жойлаштирилган³. Аммо тарих, айниқса, Олий таълимнинг 1-курсда мажбурий ўқитиладиган Ўзбекистоннинг энг янги тарихига оид аудиомаълумотлар ва кўриш имконияти чекланганлар учун тарих фанидан мобил ўқув иловалари яратилмаган. Ҳозирга қадар ушбу лойиҳа мавзуси бўйича амалий илмий-техник тадқиқотлар дастурлари доирасида иш олиб борилмаган. Тарих фани доирасидаги материалларни оғзаки нутқ орқали кўриш имконияти чекланган китобхонга тушунарли тарзда баён этиш ўзига хос методик ёндашувни талаб этади.

Компетенциявий ёндошувга асосланган таълим стандартлари ва таълим тизимида жорий этилаётган STEAM ёндошувда талабалар олдида қўйилган мақсад ва вазифаларга уларнинг ақлий фаолиятини рағбатлантирадиган бирон инновацион педагогик технологиялар тўпламидан фойдаланиш орқали эришиш мумкин. Аммо айна кўзи ожиз ва кўриш имконияти чекланган талабалар учун тарих фанини ўқитишнинг ўзгача услуби мавжуд эмасдай кўринади. Бу ҳолатда фақатгина овозли маълумот ҳамда мобил иловада берилаётган матннинг катталашган вариантлари қўл келиши мумкин. Шунинг учун тақдим этилаётган материал қисқа, ҳар жиҳатдан лўнда ва максимал даражада фактик маълумотлар билан бойитилган бўлиши талаб этилади.

Тарихий хужжатлар ва бадиий адабиётлардан фойдаланиш ўқитувчи баёнини образли қилиб конкретлаштира, кўрғазмали қуроллар воситасида

² <http://www.amazon.co.uk>; Маслов Ю.С. Введение языкознание // <http://www.tapaltficciss.4sql.net>; Гречко В.А. Теория языкознания // <http://book.net>; Зеленский А.Л., Новожилова О.В. Теория немецкого языкознание // www.takelep.ru; Лимонова И.В. Культура речи как правильно и грамотно говорит по-русски // <http://booktracker.org>

³ <http://www.ziyouz.com>

Ўқувчиларда ўтмиш туғрисида ёрқин ва аниқ тасаввур ҳосил бўлади, ўқувчиларнинг эшитиш фаолиятига сезиш органларининг фаолияти ҳам кўшилади. Шу билан уларнинг билими янада чуқурлашади ва мустақамланади. Лекин кўзи ожиз кишиларда тасаввур чегаралари бироз бошқачароқ шаклланган бўлади. Лекин шундай бўлишига қарамасдан, ҳар бир олий таълим талабасига мавжуд воқелик бўйича тушунча берилиши эркин фикрлашга йўналтирилиши талаб этилади. Зеро, республикамизнинг “Миллий дастури”да алоҳида кайд этилганидек, «Юқори малакали кадрларнинг етишмовчилиги, сифатли ўқув-услугий ва илмий-адабиёт ҳамда дидактик материалларнинг камлиги ... кадрлар тайёрлашнинг мавжуд тизимидаги жиддий камчиликлар сирасига киради».

Тарих дарсларида ўзлигимизни англаш хусусида гап борар экан, авваламбор, тарих ўқитувчисининг ўз мутахассислигига бўлган эътиқоди кучли бўлиши керак. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи фанини ўқитаётганда, албатта, диққат-эътиборни, 2007 йилда пойтахтимиз Тошкент шаҳрин ислом дунёсининг илмий-маънавий маркази деб эълон қилиниши моҳияти атрофлича тушунтирилиши мақсадга мувофиқ.

Тарих фани доирасида берилаётган материал маълум зарурий билимлар билан қуролланган бўлиши ва шу билимларни ўқувчилар онгига сингдириб, уларнинг олган билимларини шахсий эътиқодларига мослаштиришни тақозо қилади. Энг асосийси, ижтимоий фанларни ўқитишнинг илмий-методологик асоси эканлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир мавзу бўйича тайёрланиш ва ўтиш жараёнида илмий-назарий концепцион тушунчаларни ўқувчилар онгига етказиш энг асосий вазифа бўлмоғи лозим.

Бироқ, замонавий техника даврида гаджетларнинг қулай имкониятларидан фойдаланиш кўпроқ самара беради. Янгиланаётган, илмий-техника асри ҳисобланган - XXI асрда кўзи ожизлар учун қулай бўлган аудиодарсликлар яратиш кун тартибига чиқмоқда. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 апрелдаги “Кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда таълим бериш сифатини ошириш ҳамда улар фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-209-сон Қарори, 2021 йил 21 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-57-сон қарорида инклюзив таълимни йўлга қўйиш ва уларга керакли шарт-шароитлар яратиш ишларини самарали ташкил қилиш бўйича қатор кўрсатмаларга мувофиқ, Тошкент давлат шарқшунослик

университетида “Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган кўзи ожиз ва кўришда нуқсонли бўлган талабалар учун тарих фанидан мобил ўқув иловасини яратиш” амалий лойиҳаси якунланди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи фанидан илк марта яратилаётган ушбу аудиоқўлланма заиф кўрувчилар учун қулайлик яратиши ва интернетсиз ҳам ишлатиладиган мобил илова шаклида тақдим қилинди ва HistoryUz номи остида Play Market да <https://play.google.com/store/apps/details?id=uz.hamroev.historyuz> саҳифасида эълон қилинди.

Лойиҳанинг асосий мақсади – гуманитар таълим йўналишларида таълим олувчи кўриш имконияти чекланган талабаларнинг тарих фанларига доир ўқув адабиётларидан мустақил равишда фойдаланиши учун аудиомаълумотлар базасини шакллантириш, заиф кўрувчилар учун ушбу аудиоли материалнинг мобил иловасини яратиш ва шу орқали уларнинг лисоний, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, шахсий-касбий қобилиятларини ривожлантиришдан иборат этиб белдирилди.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун бажариладиган асосий вазифалар қуйидагилардан иборат бўлди:

- Ўзбекистоннинг энг янги тарихига оид назарий ва статистик маълумотларни ўз ичига олган, филология йўналишида таҳсил олувчи талабалар томонидан доимий фойдаланилиши учун зарур бўлган дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва илмий адабиётлардан олинган маълумотлар банкни яратиш;

- тўпланган босма ва электрон матн кўринишидаги тарихга оид материалларни MP3 форматда ёзиш;

- аудиоси билан параллел тарзда матндаги ёзувларнинг муносиб қаторлари катталашуви ва ранги ўзгаруви ҳолатидаги мобил матнни яратиш;

- олий таълим муассасалари ва ахборот-ресурс марказлари фондини Ўзбекистоннинг энг янги тарихига доир аудиоқитоблар ва уларнинг мобил иловалари билан таъминлаш орқали кўзи ожиз талабаларнинг соҳага оид ўқув-методик адабиётлар ҳамда илмий тадқиқотлардан эркин фойдаланиш имкониятини кенгайтириш.

Кўзи ожизлар учун тайёрланган ўқув қўлланмалар, мобил иловалар, демакки, шу тоифага мўлжалланган талабаларга илм олиш манбаси бўлиб хизмат қилади, имконияти чекланган бўлишига қарамасдан, кўзи ожиз талабаларнинг ўқиб-ўрганишлари учун имконият яратади. Қолаверса, ушбу маҳсулот Ўзбекистон тарихини чуқур ўрганиш орқали мамлакат тақдири билан

уйғунлаштиришга интилиб боришлари йўлида муносиб ҳисса қўшишга сафарбар этилган.

Тақдим этилаётган мобиль илова анъанавий ёндашувларни четлаб ўтишга ҳаракат қилинган хос аудиокитоб шаклида тақдим қилинган бўлиб, унинг мобиль иловасида овозли материалга мос ҳолда матн ўқиб кетилади ва назарда тутилган қатор ёки сўз бошқаларига нисбатан катталашиб, ранги ҳам ўзгаради. Бу ҳолат нафақат кўзи ожизлар учун, балки билан заиф кўрувчиларнинг ҳам Ўзбекистоннинг энг янги тарихи юзасидан матнни катталашган ҳолда ўқишлари имконини яратди: ҳам *ўқиш*, ҳам *эшитиш кўникмалари* учун мўлжалланган. Ушбу лойиҳани шакллантиришда энг аввало куйидаги тартибда ишлар бажарилди:

1. Мавжуд ҳолат ўрганилди. Бунда гуманитар йўналишларда 1-курсада ўқитиладиган мажбурий фанлар қаторидаги “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи” фани доирасидаги ҳужжатлар – тасдиқланган фан дастури, силлабуслардаги мавзулар ўрганиб чиқилди ва улар юзасидан материал тўплаб, мавзуларга тақсимланди.

2. Қўшимчалар киритилди. Маълум бўлишича, “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи” фани бўйича материаллар етарли бўлиб, тарих фани бўлгани учун ҳам матнлар бир мунча узун ва маълумотларга бой тарзда шаклланган. Агар матннинг ҳаммаси диктор томонидан аудио вариантыга айлантирилса, нисбатан узоқ, тахминан, 1-1,5 соат вақт ҳисобига аудиоматериал тайёрланиши керак эди. Бу ҳолат фақат эшитиш кўникмаси орқали фанни ўзлаштираётган кўзи ожиз талабаларни бироз толиқтириши ёки мавзунини тушунишни тўлиқ қамраб олишига соя солган бўларди ҳамда узвийлик ва узлуксизлик тамойилларига, талабаларнинг умумий тайёргарлик даражасига, жамиятмизнинг ҳозирги талаб ва эҳтиёжларига мос бўлмаган айрим факт ва эскирган материаллар билан чалғитиб қўйишига сабаб бўларди. Бу ҳолатда айрим мавзу ва материаллар янгиланишга муҳтож эди. Шу жиҳатдан, мавзулар таҳрир қилинди, Ўзбекистоннинг ҳозирги кундаги стратегик, ижтимоий-сиёсий ҳолатига оид янги маълумотлар киритилди.

3. Фан мавзулари узвийлик ва узлуксизлик тамойилларига кўра ҳам ўзига хос ёндашувларни талаб этади. Лойиҳа муаллифлари ўз бурч ва ҳуқуқлари доирасида ДТС ҳамда ўқув дастурлари доирасида мавзуларни тақсимотини бу муаммоларни ҳал қилишга йўналтирди.

4. Ҳар бир мавзу якунида такрорлаш ва мустақил тайёрланиш учун савол ва топшириқлар берилди. Ушбу жараён мавзу устида ишлаш, аудионинг мазмуни ва моҳиятини тўла ва тўғри идрок этишда асосий ўрин тутади. Яъни

кундалик воқеликлардан хабардор бўлиб келаётган кўзи ожиз талабалар эшитаётган материалининг бугунги кун мавзуларига боғлай олиши, ўтилган материални яна қайта мустаҳкамлаши учун ҳар бир мавзу якунида саволлар ва топшириқлар келтириб ўтилди.

5. Заиф кўрувчилар учун аудиоли матннинг берилиши. Кўриш имконияти чекланганлар учун тарих фанидан матннинг лотин ёзувидаги мавзулари берилди. Талаба ҳам аудио мавзунини тинглаши, ҳам матнни ўқий олиш имкониятлари мавжуд. Бунда матндаги керакли қаторлар аудиога мос равишда катталашади ва кўриш имконияти чекланганларга ўқиш кўникмаси учун қулайлик яратади.

6. Аудио материаллар ҳақида. Матнлар мазмунини ўрганиш ва таҳлил этишда унинг моҳиятини тўла ва тўғри тасаввур этиш бош омил бўлади. Бунинг учун мавзудаги ҳар бир банд, ҳар бир оҳанг, ҳар бир гап ва ҳатто, ҳар бир сўз тўғри ўқилиши ва тушунилиши муҳимдир. Шу мақсадда, матнларнинг тўлиқ аудио вариантларини ишлаб чиқилди. Матнларни ўқишда профессионал суҳандон иштирок этди.

7. “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи” фани доирасидаги мобиль иловадаги матн жами – 13 мавзудан иборат.

Тақдим этилаётган мобиль ўқув илова анъанавий ёндашувларни четлаб ўтишга ҳаракат қилинган хос аудиокитоб шаклида тақдим қилинган бўлиб, унинг мобиль иловасида овозли материалга мос ҳолда матн ўқиб кетилади ва назарда тутилган қатор ёки сўз бошқаларига нисбатан катталашиб, ранги ҳам ўзгаради. Бу ҳолат билан заиф кўрувчилар учун қулайлик яратиш мақсадида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи юзасидан матнни катталашган ҳолда ўқиш имкониятини яратади: ҳам ўқиш, ҳам эшитиш кўникмалари учун мўлжалланган бўлади. Ушбу лойиҳани шакллантиришда энг аввало қуйидаги тартибликда ишлар бажарилди:

8. Мавжуд ҳолат ўрганилди. Бунда гуманитар йўналишларда 1-курсда ўқитиладиган мажбурий фанлар қаторидаги “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи” фани доирасидаги ҳужжатлар – тасдиқланган фан дастури, силлабуслардаги мавзулар ўрганиб чиқилди ва улар юзасидан материал тўплаб, мавзуларга тақсимланди.

9. Кўшимчалар киритилди. Маълум бўлишича, “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи” фани бўйича материаллар етарли бўлиб, тарих фани бўлгани учун ҳам матнлар бир мунча узун ва маълумотларга бой тарзда шаклланган. Агар матннинг ҳаммасини диктор томонидан аудио вариантыга айлантирилса, нисбатан узоқ, тахминан, 1-1,5 соат вақт ҳисобига аудиоматериал тайёрланиши

керак эди. Бу ҳолат фақат эшитиш кўникмаси орқали фанни ўзлаштираётган кўзи ожиз талабаларни биров толиқтириши ёки мавзуни тушунишни тўлиқ қамраб олишига соя соларди ҳамда узвийлик ва узлуксизлик тамойилларига, талабаларнинг умумий тайёргарлик даражасига, жамиятмизнинг ҳозирги талаб ва эҳтиёжларига мос бўлмаган айрим факт ва эскирган материаллар билан чалғитиб қўйишига сабаб бўларди. Бу ҳолатда айрим мавзу ва материаллар янгилашига муҳтож эди. Шу жиҳатдан, мавзулар таҳрир қилинди, Ўзбекистоннинг ҳозирги кундаги стратегик, ижтимоий-сиёсий ҳолатига оид янги маълумотлар киритилди.

10. Фан мавзулари узвийлик ва узлуксизлик тамойилларига кўра ҳам ўзига хос ёндашувларни талаб этади. Лойиҳа муаллифлари ўз бурч ва ҳуқуқлари доирасида ДТС ҳамда ўқув дастурлари доирасида мавзуларни тақсимотини бу муаммоларни ҳал қилишга йўналтирди.

11. Ҳар бир мавзу якунида такрорлаш ва мустақил тайёрланиш учун савол ва топшириқлар берилди. Ушбу жараён мавзу устида ишлаш, аудионинг мазмуни ва моҳиятини тўла ва тўғри идрок этишда асосий ўрин тутди. Лойиҳада масаланинг бу жиҳатлари ҳам алоҳида эътиборга олинди. Яъни кундалик воқеликлардан хабардор бўлиб келаётган кўзи ожиз талабалар эшитаётган материалнинг бугунги кун мавзуларига боғлай олиши, ўтилган материални яна қайта мустақамлаши учун ҳар бир мавзу якунида саволлар ва топшириқлар келтириб ўтилди.

12. Заиф кўрувчилар учун аудиоли матннинг берилиши. Кўриш имконияти чекланганлар учун тарих фанидан матннинг лотин ёзувидаги мавзулари берилди. Талаба ҳам аудио мавзуни тинглаши, ҳам матнни ўқий олиш имкониятлари мавжуд. Бунда матндаги керакли қаторлар аудиога мос равишда катталашди ва кўриш имконияти чекланганлар учун қулайлик яратади.

13. Аудио материаллар ҳақида. Матнлар мазмунини ўрганиш ва таҳлил этишда унинг моҳиятини тўла ва тўғри тасаввур этиш бош омил бўлади. Бунинг учун ундаги ҳар бир банд, ҳар бир оҳанг, ҳар бир гап ва ҳатто, ҳар бир сўз тўғри ўқилиши ва тушунилиши муҳимдир. Шу мақсадда биз матнларнинг тўлиқ аудио вариантларини ишлаб чиқдик. Матнларни ўқишда профессионал суҳандон иштирок этди.

14. “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи” фани доирасидаги мобиль иловадаги матн жами – 13 мавзудан иборат.

“Олий таълим муассасаларида тахсил олаётган кўзи ожиз ва кўришда нуқсонли бўлган талабалар учун тарих фанидан мобил ўқув иловасини яратиш” лойиҳаси доирасида яратилган мобил илова қуйидаги тартибда ишлайди:

I. Кириш ойнаси.

Дастлаб иловага кирганда 1.5-2 секунд илова ҳақида қисқа маълумот бериб ўтилади. Шу қисмда илова номи акс этади дастур логоси кўрилади, илова версияси ва яна бир қанча маълумотлар кўрилади, кейин асосий ойнага автоматик тарзда ўтади.

II. Асосий ойна.

Юқори қисмида статус-бар, чап томонда навигатор-бар жойлашган. Асосий экранда ушбу китоб мундарижаси акс этади. Ҳар бир мавзу номи овоз ёзиш студиясида ёзиб олинган ва устида босиб турган пайт мавзунини номини аудио кўринишида ўқиб беради. Мавзу номини 2 марта кетма-кет босса, кейин шу мавзунинг ички қисмига киради. Ён томондан очиладиган навигатор кўриш компонентасида қуйидаги бўлимлар жойлашган:

1. Асосий ойна
2. Илова ҳақида
3. Муаллифлар
4. Бўлишиш
5. Баҳолаш
6. Чиқиш

1-бўлимни танлаб Асосий ойнага ўтиш мумкин, 2-бўлимни танлаб Илова ҳақида маълумот олса бўлади, 3-бўлимни танлаб Муаллифлар ҳақида тўлиқ маълумот олинади.

Муаллифлар бўлимида муаллифларнинг расми, исми ва у ҳақидаги тўлиқ маълумот жойлашган. 4-бўлимни танлаб, дастурни танишлар билан бўлишиш мумкин. 5-бўлимни танлаб, иловани баҳолаш мумкин. 6-бўлим – Илонадан чиқиб кетиш тугмаси.

III. Мавзунинг тўлиқ ойнаси

Ушбу бўлимнинг асосий ойнасида битта мавзунини танлаб ўтгандан сўнг, бу ойнада шу мавзуга тегишли маълумотлар чиқади. Дастлаб бу ойнага кирган пайтда ундан қандай фойдаланиш ҳақида овозли аудио билан огоҳлантирилади. Аудиога мос текстлар ҳажми катта, қалин ва рангли бўлиб чиқади. Ушбу мобил иловада матн ҳажмини ўзгартириш, катталаштириш ва яна рангини ўргартириш имконияти мавжуд. Бу экранда аудиони тўхтатиб ва яна давом эшитириш функциялари ҳам уланган бўлади.

Буларнинг ҳаммаси кўзи ожизлар учун қулай тарзда ҳамда интернетсиз ҳам ишлайдиган қилиб созланган.

Ушбу қулайлик кўриш имконияти чекланганлар учун тақдим қилинувчи мобиль илова ўқиш кўникмасини оширишга хизмат қилиши, шу билан бирга заиф кўрувчиларнинг мутолааси учун осон бўлиши ва кўриш имкониятига зиён етказмаслиги лозим. Тошкент давлат шарқшунослик университети томонидан тайёрланган “Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган кўзи ожиз ва кўришда нуқсонли бўлган талабалар учун тарих фанидан мобиль ўқув илова” инклюзив таълимни йўлга қўйишдаги бўшлиқни тўлдиради.

REFERENCES

1. Mirzakhmedova, H. V., Omonov, K. S., & Khalmurzaeva, N. T. (2021). METHODS OF IMPROVING LANGUAGE SKILLS USING MEDIA SOFTWARE. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(03), 47-55.
2. Hulkar, M. (2019). INTERACTIVE METHODS OF PEDAGOGICAL PROGRAMS IN TRAINING Oriental Languages. *Uzbekistan Journal of Oriental Studies*, 1(2), 146-155.
3. To‘raev, L. A. O. G. L., & Nizomova, N. Q. (2021). MAHMUD ZAMAXSHARIYNING “RABI’AL-ABROR” ASARIDA IJTIMOIIY, AXLOQIIY VA FALSAFIY MASALALAR TALQINI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(Special Issue 2), 266-273.
4. Рихсиева, Г. Ш. (2014). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РЕЙТИНГИ–СИФАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ. *Oliy ta’lim taraqqiyoti istiqbollari= Perspectives of higher education development= Перспективы развития высшего образования: То ‘plam № 2/ma’sul muharrir MA Rahmatullayev.–Издательство: Vita Color T.: 2014.–161 b, 29.*
5. То‘раев, L. (2020). Особенности моральных взглядов Алломы Махмуда Замахшари. *Sharq mash’ali*, 1(1), 151-158.